

101 дарс. Илёс пайғамбар. 1 шоҳликлар 6-18 боблар.

Ассалому алайкум қадрдон тингловчи дўстларим. ҳамма нарсани яратган Худо, бутун инсонлар Унинг йўлга қўйган солиҳлик йўлини тушуниб етишини, Унга итоат қилишини ва то абад У билан ҳақиқий тинчликка эришини истади. Биз сизлар билан яна Менинг Даврим эшиттиришининг Солиҳлик Йўли дарслари орқали учрашганимиздан жуда хурсандмиз.

Ўтган галги дарсимизда биз Довуд пайғамбарнинг ўғли Сулаймон ҳақидаги ҳикояни ўрганган эдик. Худо Сулаймонга донолик ва ақл-идрок берган эди. Шоҳ Сулаймон даврида қуддус шахри дунёдаги энг чиройли шаҳар бўлган эди. Лекин қуддус шахрида Сулаймон қурдирган барча нарсалар Худонинг маъбадидек чиройли эмасди. Шоҳ Сулаймон маъбад қуриб, Мусо ва Исроил халқи чўлда барпо қилган Учрашув Чодирини ҳам қайта тиклади. Бу ажойиб маъбадни қуриш учун Сулаймон икки минг ишчи ёллаб, етти йилда қуриб битказди. ҳозир ҳам қуддус шахридаги Сулаймон қурдирган ўша гўзал маъбаднинг пойдеворига қўйилган улкан тошларни кўриш мумкин.

Маъбад битгандан кейин гуноҳкорлар учун Ўз қонини тўкиб тўлов берувчи қутқарувчининг рамзи сифатида рухонийлар мингга яқин қўй ва буқалар қурбонлик қилганлар. Шундай қилиб, улар бу маъбадни Худога бағишлаганлар. Бу қурбонликларни келтириб қурбоғоҳ устида қуйдириб бўлганларидан кейин рухонийлар Аҳд сандиғини олиб, маъбад ичидаги Муқаддаслар Муқаддаси деб аталган ички бўлмага қўйганлар. Рухонийлар Муқаддаслар Муқаддаси деб аталган хонадан чиққан заҳоти Худонинг улуғворлиги хонани тўдирди. Мусо ва Исроил халқи қурган Муқаддаслар Муқаддаси хонасини Худонинг улуғворлиги қандай тўлдирган бўлса, қуддус шахрида Сулаймон қурдирган бу хонани ҳам Худонинг улуғворлиги шундай тўлдирди.

Сулаймоннинг қолган ҳаёти ҳақида Муқаддас Каломда ёзилган бўлиб, кейинчалик у озроқ ўзгаргани ҳақида айтади. Биринчи шоҳликлар китобининг ўн биринчи бобида нима ёзилганини эшитинг. Худонинг муқаддас Каломи пайғамбарларнинг ҳам гуноҳини яширмаслигини яна бир марта эслатиб қўямиз. «Лекин шоҳ Сулаймон кўпгина аёлларни севган... У улғайгани сайин унинг хотинлари бошқа худоларга юз буриб кетганлар ва Сулаймон бутун қалби билан Парвардигори Худога берилмади».

Кейин Сулаймон хотинлари ўз худоларига қурбонликлар келтириши учун қуддус шахрининг шарқий томонидага тепаликлар қуриб берди. У буларни қилган пайтда Худонинг жаҳли чиқди, чунки Сулаймон тирик Худонинг Каломидан юз ўгирган эди.

Шунда Худо Сулаймонга деди:

«Сен Менинг аҳдимга ва амрларимга риоя қилмаганинг учун шоҳликни қўлингдан тортиб оламан ва бошқаларга бераман. Лекин отанг Довуднинг хурмати учун бу ишни сен тирикчилигингда қилмайман. Шоҳликни ўғлингнинг қўлидан тортиб оламан. Лекин бутун шоҳликни эмас, Ўзим танлаган қуддус шахри ҳамда қулим Довуднинг хурмати учун битта қабила ўғлингнинг қўлида қолади».

Шундай қилиб, Каломда ёзилиши бўйича, Сулаймон ўлганидан кейин Исроил халқи орасида жанжаллар ва тўқнашувлар бўлиб ўтади. Ёқубнинг авлодларидан келиб чиққан Исроилнинг ўн икки қабиласи Худо Сулаймонга айтганидек иккига бўлиниб кетди. Энди улар бир халқ эмас, иккита халқ - Исроил халқи ва Яҳуда халқига ажралдилар. Исроилнинг ўнта қабиласи Шимол томонга жойлашиб, Исроил шоҳлиги деб номланди. Яҳуда қабиласи эса Бенямин қабиласи билан қўшилиб, жануб томонга ўрнашди ва Яҳудо

шоҳлиги деб аталди. Яҳудо - шоҳ Довуднинг қабиласи бўлиб, Худо ваъда қилган Нажоткор мана шу қабиладан чиқиши керак эди.

Бу иккала халқдан қанча шоҳлар келиб чиққани Каломда айтилган. Исроил ва Яҳуда халқининг кўпгина шоҳлари ёвуз шоҳ бўлган. Улар Худодан юз ўгириб, бошқа худоларга берилиб кетганлар. Исроил подшоҳлари орасида биттаси бошқа подшоҳларга қараганда жуда ёмон ва ёвуз бўлган. Унинг кимлигини биласизми? Бу шоҳ Аҳаб эди. Аҳаб Сулаймондан кейинги саккизинчи шоҳ эди.

Аҳаб ҳақида Каломда шундай ёзилган: «Ўмри ўғли Аҳаб Худованд назарида бошқаларга қараганда кўпроқ ёвузлик қиларди». У Худо Каломини рад қилган Изабел исми аёлга уйланди. Бундан ташқари Аҳаб атрофдаги элатлар худо деб ҳисоблаган Бол номига маъбад қурдирди. Бу билан Аҳаб Худонинг ғазабини қўзғади, чунки у Исроил халқини соҳта имонга, соҳта пайғамбарларга эргаштирган эди.

Лекин ўша пайтда Исроилда Худо билан бирга юрадиган бир киши бўлиб, унинг исми Илёс эди. Бир куни Худо Илёсни шоҳ Аҳабнинг олдида юборди. «Илёс Аҳабга шундай деди: "Парвардигор, мен хизмат қилаётган Исроилнинг Худоси бир неча йил ер юзига ёмғир ёғдирмайди"».

Шу тариқа уч йилу олти ой Исроилга ёмғир ёғмади. Мамлакатда қаҳатчилик ҳукм сура бошлади. Ўн саккизинчи бобда шундай дейилган:

«Орадан уч йил ўтгандан сўнг Худованд Илёсга деди: «Бориб Аҳабга учраш, Мен ер юзига ёмғир ёғдираман». Шунда Илёс Аҳабнинг ҳузурига борди... Аҳаб Илёсни кўриб унга: «Исроилга ташвиш келтираётган сенмисан?», - деди. «Исроилга ташвиш келтирган мен эмас», - деди Илёс. «Балки сен ва хонадонинг ташвиш келтирдинглар. Сизлар Худонинг амрларини бузиб, Болга сиғиндинглар. Энди Исроилнинг барча аҳолисини Кармел тоғига тўпла, мен улар билан учрашаман. Изабел билан бир дастурхондан нон ейдиган Болнинг тўрт юз элликта пайғамбарини ҳам, Ашеранинг тўрт юзта пайғамбарини ҳам чақир», - деди Илёс.

Шундай қилиб, Аҳаб бутун Исроилга одам юбориб, барча пайғамбарларни Кармел тоғига йиғди. Илёс халқнинг олдида борар экан, шундай деди: «Икки хил фикр орасида қачонгача иккиланиб юрасизлар? Агар Парвардигор ҳақ Худо бўлса, Унга эргашишлар, лекин Бол ҳақ Худо бўлса, унга эргашишлар». Аммо халқ ҳеч нима демади.

Кейин Илёс уларга деди: «Худонинг пайғамбарларидан ёлғиз ўзим қолдим, лекин Болнинг тўрт юз эллик нафар пайғамбари бор. Биз учун иккита буқа беринглар. Улар ўзлари учун биттасини танласин ва уни бўлақларга бўлиб, ўтинлар устига қўйишсин, лекин олов ёқишмасин. Мен ҳам битта буқани олиб, ўтинлар устига қўяман, лекин олов ёқмайман. Кейин улар ўзларининг Худосига илтижо қилишади, мен эса Парвардигорнинг исмини чақираман. қайси Худо осмонда олов юборса, ўша Худо ҳақиқий Худо бўлади».

Шунда ҳамма одамлар «Биз розимиз» дейишди. Илёс Бол пайғамбарларига қараб: «Битта буқани танлаб, уни тайёрланглар, чунки сизлар кўпчиликсиз. Кейин ўз Худоларинингга илтижо қилинглар, лекин олов ёқманглар». Шундай қилиб, улар битта буқани танлаб олиб, уни қурбонликка тайёрлашди. Сўнгра эрталабдан то кечгача Бол исмини чақирди. «Эй Бол, бизга жавоб бер» деб бақирди. Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади. Кейин ўзлари қурган қурбонгоҳ атрофида рақсга тушишди. Кечқурун Илёс «қаттиқроқ бақиринглар. Ахир у худо-ку! Эҳтимол у банддир, ёки сафарга кетгандир. Балки ухлаётгандир. қаттиқроқ бақирсанглар, балки уйғонар!», - деб уларни масҳара қила бошлади. Шунда улар янада қаттиқроқ бақирди, ўзларининг одатлари бўйича қон

чиққунга қадар ўзларини қилич ва найзалар билан жароҳатлашди. Вақт тушдан ҳам ўтиб кетди, лекин яна ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Кейин Илёс халққа қараб «Менга яқинроқ келинглар!» деди. Улар яқинроқ келишгач, у ботқоқдаги қурбонгоҳни тузатди. Илёс Ёқуб авлодининг ҳар бир қабиласи учун биттадан, яъни ўн иккита тош олди. Кейин шу тошлардан Худованд номига қурбонгоҳ қурди ва унинг атрофига чуқур қазиди. Сўнг ўтин тўплаб, буқани бўлакларга бўлди ва уни ўтинни устига қўйди. Кейин халққа қараб «Идишларни сув билан тўлдириб, қурбонлик ва ўтиннинг устига қўйинглар», - деди.

«Яна қўйинглар!» деди, одамлар яна сув қўйдилар. «Яна бир марта қўйинлар» деди Илёс. Одамлар учинчи марта сув қўйдилар. Сув қурбонликнинг устида оқиб тушиб чуқурларни ҳам тўлдирди.

Шу пайт Илёс пайғамбар тиз чўкиб ибодат қилди: «Эй Худо, Иброҳимнинг, Исҳоқнинг, Ёқубнинг Тангриси, Сен Исроилнинг Худоси эканлигинг бугун барча маълум бўлсин, мен ҳам Сенинг қулинг эканлигим ва барча нарсаларни Сен буюргандек қилаётганим ҳам барчага аён бўлсин. Менга жавоб бер, эй Худованд, жавоб бер, токи бу насл Сени Худо эканингни билсин».

Шунда осмондан олов тушиб, қурбонликни, ўтинни, тошларни, хатто чуқурдаги сувларни ҳам ёндириб юборди. Бўни кўрган халқ юз тубан эгилиб «У ҳақиқий Худодир!» дейишди.

Кейин Илёс уларга «Бол пайғамбарларини ушланглар! қочиб кетишига йўл қўйманглар!» деб буюрди. Халқ уларни тутиб келтиришди. Илёс уларни Кишон Водийсига олиб бориб ўлдирди. Кейин Илёс Аҳабга қараб «Бор, бемалол еб - ичавер, чунки энди ёмғир ёғади», - деди. Шундай қилиб, Аҳаб бориб, еб-ичди, лекин Илёс Кармел тоғига чиқиб, ергача таъзим қилиб, юзини тиззалари орасига олди. Шунда осмонни қора булут қоплаб, шамол эси ва ёмғир ёғди.

Бу ҳикоя Худонинг улуғворлиги ва қудрати ҳақида айтади. Лекин сизлар билан хайрлашишдан аввал Илёс пайғамбар Исроил халқига нима деганини билиб олишимиз керак. У Болнинг тўрт юз элликта пайғамбарини тўплашдан олдин Исроил халқига шундай деган эди: «Икки хил фикр орасида қачонгача иккиланиб юрасизлар? Агар Парвардигор ҳақ Худо бўлса, Унга эргашинглар, лекин Бол ҳақ Худо бўлса, унга эргашинг».

Аввалига Исроил халқи ҳеч нима демади. Лекин Худо Илёснинг ибодатини эшитиб, осмондан олов юбориб, қурбонликни ёндириб юборганини кўрганларидан кейин «У ҳақиқий Худодир» деб айтишди. Шундай қилиб, ўша куни Илёс пайғамбар халқнинг олдида Бол пайғамбарларини фош қилиб ташлади ҳамда Исроил халқини яна ҳақ Худога қайтарди.

Нима учун Худо Илёснинг ибодатига жавоб берди? Чунки Илёс Худони севар ва Унинг Каломига ишонарди. Нима учун Худо Бол пайғамбарларининг ибодатларига жавоб бермади? Чунки улар Ўзини Иброҳим, Исҳоқ ва бутун Исроил халқига намоён қилган ҳақ Худога ибодат қилишмади. Бол пайғамбарлари Худонинг Каломини писанд қилишмади ва ўзларининг одатлари бўйича яшашди. Улар ўзларининг ақидаларига қаттиқ амал қилар, лекин тирик Худога хизмат қилишмасди. Бол пайғамбарлари кўпгина динга эътиқод қилишар, шовқин солиб турли ибодатлар ва қурбонликлар қилишарди, лекин буларнинг ҳаммаси беҳуда эди, чунки бу нарсалар Барҳаёт Худонинг Каломига асосланмаган эди.

Шундай қилиб, ўша кун Илёс пайғамбар Исроил халқига танлашни қуйидагиларни буюрган:

Парвардигор - Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худосини ёки Болнинг соҳта динини;

ҳақиқатни ёки ёлғонни;

Солиҳлик йўлини ёки фосиқлик йўлини;

Ишончли Худонинг Каломини ёки диндор кишиларнинг аҳамиятсиз сўзларини

Илёснинг қуйидаги саволига сиз қандай жавоб берган бўлардингиз: «Икки хил фикр орасида қачонгача иккиланиб юрасиз?». қачонгача ҳақ Худонинг Каломи ҳамда одамлар ўзлари ўйлаб топган ақидалар орасида иккиланиб юрасиз? Каломда шундай ёзилган: «ҳеч ким икки ҳўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон кўриб, бошқасини севади, ёки бирига ихлос қўйиб, бошқасини хорлайди Сиз ҳам Худога, ҳам пулга бирдек сиғина олмайсизлар». Сиз Худога ҳам соҳда динга ҳам бирдан сиғина олмайсиз. «Икки хил фикр орасида қачонгача иккиланиб юрасиз?».

Шу билан бугунги дарсимиз тугади. Келаси дарсимизда наҳанг балиқ қорнида уч кун яшаган яна бир пайғамбар ҳақида ўрганамиз. Сиз бу пайғамбарнинг кимлигини биласизми? Кейинги дарсимизда бизнинг тўлқинларда қолсангиз у ҳақда кўп нарсаларни билиб оласиз.

Илёс пайғамбарнинг қуйидаги сўзларини яхшилаб мулоҳаза қилишингизда Худо сизга ёр бўлсин:

Икки хил фикр орасида қачонгача иккиланиб юрасизлар? Агар Парвардигор ҳақ Худо бўлса, Унга эргашиглар».

Азиз тингловчилар, бугунги машғулотиимизни шу ерда тамомлаймиз. Бизни эшитиб бораётганингиздан биз миннатдоримиз.

**Сизга озгина бўлса ҳам руҳий озиқа бера олганимиздан биз хурсандмиз. Агар сизда бирор савол, таклиф, истак бўлса бизларга мактуб ёзинг. Биз уларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Яна сизда Муқаддас Китобга эга бўлиш истаги пайдо бўлса, унда ҳам бизга мактуб йўлланг, биз сизга бекорга уни юборамиз.**

**Бизнинг манзилимиз: қозоғистон, Алмати шаҳри, Абонент қутиси 366. Индекс: 480091.  
Яна эфирда учрашгунча хайр.**